БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 295 (17.875). • 27 декабрь 1980 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

## МЕҲНАТ РАПОРТИ

Ўзбекистон Маҳаллий саноат министрлиги корхоналарининг коллективлари КПСС XXVI съезди ва республика Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, маҳсулот реализация қилиш йиллик планини муддатидан илгари — 24 декабрь куни бажардилар. Йил охиригача қўшимча равишда 9 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади.

Тармоқ беш йиллик ишлаб чиқариш программасини 14 ноябрдаёқ бажариб қўйган эди. (ЎзТАГ).

# ЯКДИЛЛИК БИЛАН МАЪҚУЛЛАНДИ

Партиянинг иқтисодий стратегияси меҳнаткаш инсон тўғрисидаги, халқ бахт-саодати ҳақидаги ленинча ғамхўрлик билан суғорилгандир. Касаба союзлар партиянинг ана шу иқтисодий стратегиясини амалга оширишда катта роль ўйнашлари лозим. ВЦСПС президиумининг 26 декабрь куни бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида шу нарса таъкидлаб ўтилди. Мажлисда партия XXVI съездига КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаси ўртага қўйган вазифаларни амалий жиҳатлан ҳал этишга касаба союзларининг таъсирини қандай қилиб кучайтириш кераклиги ҳақида амалий ва батафсил гаплашиб олинди.

ВЦСПС раиси А. И. Шибаев «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXVI съездига КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаси ҳақида» доклад қилди.

Масалани муҳокама қилишда ВЦСПС президиуми аъзолари, касаба союзлари Марказий Комитетларининг, республика, ўлка, область советларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Сўзга чиққан нотиқлар Советлар мамлакати эришган ютуқлар ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг фидокорона меҳнати натижаси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети, ўрток Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг кўп қиррали ташкилотчилик ва сиёсий фаолияти якуни эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети ишлаб чиққан лойиҳани астойдил маъқуллаб, якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Лойиҳанинг умумхалқ муҳокамаси меҳнаткашларнинг ғайрати ва ташаббусини ошириб юборди. Бу муҳокама партия билан халқнинг узвий бирлигидан далолат бериб турибди.

Совет кишиларининг меҳнат ташаббуси ва активлиги, КПСС XXVI съезди шарафига умумхалқ социалистик мусобақасини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар мажлис қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Улар касаба союзлари ўн биринчи беш йиллик планларининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиши, меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга, иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишга активроқ жалб этиши, уларда ишлаб чиқариш хўжайини хис-туйғуларини тарбиялаши, социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини ошириши, совет кишиларининг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитлари тўғрисида доим ғамхўрлик қилиши, меҳнат ҳақидаги қонунларга ва коллектив шартномаларга риоя этилиши устидан қатъий назоратни амалга ошириш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасини муҳокама қилиш авж олдирилган вақтда касаба союз советлари ва комитетлари хўжалик органлари ҳамда бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар, совхозлар ва колхозларнинг раҳбарлари билан биргаликда олинаётган таклифларни атрофлича кўриб чиқишлари, барча резервларни ишга тушириш тадбирларини ишлаб чиқиб амалга оширишлари касаба союз ташкилотлари ишининг форма ва методларини такомиллаштиришлари муҳим эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

ВЦСПС президиуми КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини маъқуллади. Мажлисда айтилган таклифлар ва мулоҳазаларни умумлаштиришга ва лойиҳани меҳнат коллективларида ҳамда касаба союз органларида муҳокама қилиш якунларини ҳисобга олиб ВЦСПС таклифларини СССР Министрлар Советига юборишга қарор қилинди.

(ТАСС).

БЕШ ЙИЛЛИККА — ЗАРБДОР ЯКУН

# ПАРТИЯ СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТ АҲЛИ ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАМОҚДА

ЧОРВАДОРЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ КУНЛАРИ

СЪЕЗДОЛДИ МЕҲНАТ ВАХТАСИ ҚИЗҒИН

**Тошкент ГРЭСи — республикамиздаги пешқадам иссиқлик нурҳоналаридан бири. Электр станцияси коллективи халқ хўжалигини барқарор энергия билан таъминлаш борасида намуна бўлаётир. Суратда: (чапдан ўнгга) смена бошлиғи Миродил Раҳимов ва энергоблок катта машинисти Мирқобил Мирсиддиқов.**

**И. Глауберзон фотоси.**

## мусобақа Якундалиги

### ЯНГИ ЕРЛАР — БОЙЛИГИМИЗ

**«Сирдарьяводстрой» трестининг азамат қурувчилари съездолди вахтасида туриб меҳнат қилиб, яхши кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Ҳозир улар ишлаётган Комсомол районидаги «Москва» совхозида янги ерларни комплекс ўзлаштиришни муддатидан илгари тамомладилар. Қурувчилар ярим минг гектардан ортиқ кўриқ ерни қишлоқ хўжалик оборотига киритиб, ўз устларига олган юксак социалистик мажбуриятларини бажардилар. Хўжаликда қисқа муддат ичида 54 километр узунликдаги нов ариқлар, 47 километр масофадаги коллектор-дренаж тармоғи ётқизилди. Шу билан бирга қурувчилар 7 та типовой дала шийпонини фойдаланишга топширдилар.**

**Трест коллективи келгуси йилда ҳам янги ерларни ўзлаштириш ишларини қизғин олиб бориб, янги сув тармоқлари ҳажмини кенгайтириш режасини белгилаб олмоқдалар.**

### КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

**Республикамиз маҳаллий саноати кейинги йилларда болалар кийим-кечакларини чиқаришни кўпайтириш учун зарур тадбирларни белгилаётир. Қатор корхоналар бу борада анча ютуқларни қўлга киритди. Чунончи, Чортоқ тикувчилик фабрикасининг коллективи йил бошидан бери савдо тармоқларига бир миллионтадан ортиқ турли хил буюмлар жўнатди. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг бундай кўламга биринчи марта эришилди. Тикувчилар йил бошида қабул қилган социалистик мажбуриятларида ана шу маррани эгаллаш учун сўз берган эдилар.**

**Беш йиллик мобайнида корхонада харидорлар ёқтирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш 1,5 баравардан зиёд кўпайди. Корхона ишчилари маҳсулот ҳажмини кўпайтириш билан бирга уларнинг турларини янгилашга ҳам киришдилар. Йил охиригача болалар учун 150 минг сўмлик яхшиланган, замонавий ва пишиқ кийим-кечаклар тайёрлаб бериш ишини муваффақиятли якунламоқдалар.**

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

# КАСБИМ—ФАХРИМ

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини ўқиб чиқдим. Унда ўн биринчи беш йилликда сут етиштиришнинг йиллик ўртача ҳажмини 97—99 миллион тоннага етказиш кўзда тутилган. Халқимизнинг сут маҳсулотлари — қаймоқ, сариёғ, қатиқ ва пишлоққа эҳтиёжи ўсиб бораётганидан партиямиз шундай вазифани қўя тартибига қўйяпти.

Касбим сигир соғувчилик бўлгани учун сут етиштиришни кўпайтириш ҳақида қайғураман. Баъзан шундай бўладики, биз подада қорамоллар сонига нисбатан соғин сигирлар камлигини, айрим ҳолларда қисир қолаётганини эътиборга олмаймиз. Сигирларнинг сути камайса ташвишланамиз, кисир қолиб, кўзда тутилган бузоқ олинмаса нега бунга тоқат қиламиз? Ахир, сигирларнинг бузоқламаслиги сутнинг ҳам камайиши дегани-ку? Менимча, подада сигирлар сони камида 50—60 процент бўлишини таъминлашимиз, бирор бош сигирнинг қисир қолишига йўл қўймаслигимиз керак. Бу борада чорвачилик мутахассисларининг масъулиятини кучайтиришимиз даркор.

Бизнинг чорва комплексимизда элита класса мансуб «қизил зот» сигирларнинг ҳар бошидан 5000 килограммгача серқаймоқ сут соғиляпти.

Мен шу кунгача боқимимдаги ҳар бош сигирдан 4800 килограммдан сут соғиб олдим. Йил охиригача бу рақамни 5000 литрга етказаман. Сафдошларимдан Эргашой Болтаева, Рукия Эргашевалар 4200—4500 килограммдан сут соғишди. Ҳамма сут соғувчиларимиз ғайрат билан меҳнат қилганликлари туфайли комплексимиз бўйича 860 тоннадан зиёд сут тайёрланди, бу ўтган йилдагидан анча кўп. Муваффақиятнинг сири нимада? Сигирларни зоотехника талаблари даражасида парваришлаймиз, вақтида озиқлантирамиз, суғорамиз. Зарур топилган пайтда мутахассисларнинг маслаҳати билан озуқа рационига ўзгартишлар киритамиз. Энг муҳими, сигирларни бир дақиқа ҳам қаровсиз қолдирмаймиз. Ҳар куни уч маҳал белгиланган вақтда соғамиз. Кечқурун кунлик соғин якунини муҳокама қилиб, эрталик режаларни аниқ белгилаб оламиз.

Яна бир сирни айтиб ўтмоқчиман. Сигирлар бор сутини ҳамиша парваришлаб келаётган соғувчигагина беради, бордики, бошқа соғувчи соғса, ёки улар тез-тез алмаштириб турилса сутини камайтириб юборади. Шунинг учун ҳар ким ўз боқимидаги сигирларни соғсин. Бироқ айрим ҳолларда бунга риоя қилинмаяпти. Баъзан сут соғувчилар ўз ўринларига қиналди, келишдилар, ишларини юборишади. Оқибатда сут камаяди. Асло бундай қилмаслик керак. Тағин бир муҳим масала шуки, сигирлар тўғишидан камида олтмиш кун олдин соғишни тўхтатиш, дам бериш керак. Айни кезда қучайтирилган озуқа рациони билан парваришлаш талаб этилади. Фақат шундагина соғлом бузоқлар олинади.

Сигир соғишни механизациялаш ҳақида кўп гапириляпти ва кўпчилик хўжаликларда яхши натижаларга эришиляпти. Масалан, бизнинг чорва комплексимизда озуқа тайёрлаш, охирларга солиш, сигирларни соғиш, сутни қайта ишлашгача бўлган ишларнинг ҳаммаси машина-механизмлар гарданига ортилган. Маҳсулотларнинг кўпайтирилиши, сортининг яхшиланиши, таннархнинг камайтирилиши ана шунда. Афсуски, айрим хўжаликларда фермалар, комплекслардаги ишларни комплекс механизациялаш сust амалга ошириляпти, қўл меҳнати ҳукмронлик қиляпти. Катта маблағ ҳисобига харид қилинган соғиш агрегатларининг ўрнатилмаслиги, ишга туширилмаслигини қандай баҳолаш керак? Ушандай агрегатлар тупроққа қоришиб, занглаб ётганини кўриб ачинасан киши. Наҳотки, хўжаликларнинг раҳбарлари, айниқса мутахассислари бунга етарли аҳамият бермасалар? Чорвачилик сохасидаги ишларни комплекс механизациялашга бепарволик билан қараётган кишилардан қатъий масъулият талаб қиладиган вақт келди.

Сигирнинг сути емишга, Баҳор, ёз, куз фаслларила сервитамин озуқалар мўл бўлади. Қиш фаслида эса аксинча. Бунга қарамай биз сутнинг камайишига йўл қўймаслигимиз керак. Ҳар йили қиш ойлари учун етарли миқдорда силос, сенаж, хашаки лавлаги, ўт талқони, беда уни ва бошқа тўйимли озуқалар жамгарилади, концентрат ҳам етарли бўлади. Гап шундаки, мутахассислар хилма-хил озуқалардан сигирларнинг мижозига мос келадиган рационлар тузиб беришлари керак, токи бирорта сигир қиш фаслида маҳсулдорлигини камайтирмасин.

Ҳамма жойда ҳам озуқалар рационал тарзда фойдаланиляпти деб бўлмайди. Баъзан охирларга маккажўхори пояси, пичан, ҳатто беда боғ-боғлигича солинади. Ўша хашакларни ДКУда майдалаб, сифатли қоришмалар тайёрлаб, сигирларга бериш мумкин-ку! Нега шундай қилинмайди? Ишчи кучи, механизмлар етишмайдими? Хўжалигимизда донадор озуқа тайёрланадиган цех ишлаб турибди. Шу цехда тайёрланган озуқани сигирлар нушхўрд чиқармай ейди. Юқорида айтиб ўтилган силос, пичан, беда ўз ҳолида берилганда 50—55 процентга чиқиндига чиқади. Наҳотки яхши умидлар билан тўпланган озуқанинг тенг ярмини чиқиндига чиқишига йўл қўйсак? Хўжаликларнинг раҳбарлари донадор озуқа тайёрлаш цехлари ташкил қилиш, агрегатларни ўрнатиб ишга туширишдек муҳим масалага қачон жиддийроқ эътибор бераркинлар?

Партиямизнинг XXVI съезди тобора яқинлашяпти. Чорвадорларимиз мусобақани бутун чоралар билан қучайтиришлари, зиммаларига олган мажбуриятларини ҳар куни мунтазам ошириб бажариб боришлари, янги резервларни топиб ишга туширишлари керак. Халқимиз чорвадорлардан кўп ва юқори сорт сут, гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотлар кутяпти. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб астойдил ҳаракат қилса, ўн биринчи беш йиллик план топшириқлари шараф билан бажарилади.

**Ш. МУҚИМОВА,**
**Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси, СССР Олий Совети депутати.**

## «ПРОГНОЗ-8» ПАРВОЗДА

**1980 йил 25 декабрь Москва вақти билан соат 7 дан 02 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Прогноз-8» автомат станцияси учирилди.**

**«Прогноз-8» станциясини учиришдан мақсад қуёшнинг корпускуляр ва электромагнит нурланишини, қуёш плазмаси оқимларини, Ер атрофи космик фазосидаги магнит майдонларини планеталараро муҳитга ва Ер магнитосферасига таъсир этиш активлигининг таъсирини аниқлаш мақсадида тадқиқ қилишдан иборатдир.**

**Станция ичига космик фазони тинч мақсадларда тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик программасига мувофиқ Совет Иттифоқи, Польша Халқ Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси ва Швеция ясалган илмий аппаратлар ўрнатилган.**

**«Прогноз-8» станцияси ичидаги системалар ва илмий аппаратлар нормал ишламоқда.**

**Координациялаш-ҳисоб п а ш марказ ва СССР Фанлар академиясининг институтлари олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқдалар.**

**(ТАСС).**

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

## АНАСТАСИЯ ЧУДНАЯ СЎЗИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИ

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг «Красный водопад» экспериментал базасидаги донгдор сут соғувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати Анастасия Ивановна Чудная беш йиллигининг якунловчи йили учун қабул қилган социалистик мажбуриятини муддатидан илгари, 17 декабрда муваффақиятли бажариб бўлди. У 172 бош сигирдан 834 тонна, яъни бултургидан 38 тонна кўп сут соғиб олди. Шу давр ичида ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут ўрта ҳисобда 4850 килограммга етди ёки 225 килограмм кўпайди. Маҳсулот таннархи ва меҳнат сарфи анча камайди: ҳар центнер сут етиштиришга 1,8 киши соати сарфланди, сутнинг таннархи эса 11 сўм 50 тийин бўлди.

А. Чудная шахсий беш йиллик планини тўрт йилу 2 ойда бажарди. У пландаги 3163 тонна ўрнига ҳозирдаёқ 3911 тонна сут соғиб олди.

Анастасия Чудная ўзининг бой тажрибасини ёшларга бажонидил ўргатмоқда. Бу йил республиканинг барча областларидан келган машинада сут соғувчи 445 ёш мастер илғор тажриба мактабида таълим олди.

Уммуман «Красний водопад» экспериментал базасининг бутун коллективи ҳам чорвачиликни ривожлантириш соҳасида яхши натижаларга эришди. Бу ерда сут ва гўшт етиштириш ҳамда давлатга топшириш ўтган йилга нисбатан анча кўпайди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1980—1981 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарорига жавобан А. Чудная йил охиригача соғиб олинган жами сутни 850 тоннага етказишга ва ҳар бош сигирдан 4950 килограммдан сут соғиб олишга қарор қилди. Янги беш йилликнинг биринчи йилида у 172 бош сигирдан 860 тонна, яъни ҳар бош сигирдан 5 минг килограмм сут соғиб олишга ва ҳар центнер сутнинг таннархини 11 сўмга туширишга сўз берди.

(ЎзТАГ).

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

### ЎЗБЕКИСТОН ССР РАЙОН (ШАҲАР) ХАЛҚ СУДЛАРИ ХАЛҚ СУДЬЯЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ УЗАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ судьяларининг навбатдаги сайлови 1982 йилда ўтказилсин.

2. Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ судьяларининг ваколатлари бундан буён халқ судьяларининг янги состави сайлангунга қадар узайтирилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.**

1980 йил 26 декабрь. Тошкент шаҳри.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

### ЎРТОҚ Б. А. АБДУРАЗЗОҚОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЎРТОҚ М. Т. ТУРСУНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Баҳодир Аббосович Абдураззоқов Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри қилиб тайинлансин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ Минавар Турсунович Турсунов Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.**

1980 йил 26 декабрь.
Тошкент шаҳри.

# Л. И. БРЕЖНЕВ

## ПХР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ Ю. ЧИРЕКНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 26 декабрь куни Кремлда расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган ПБИП Марказий Комитетининг аъзоси, Польша Халқ Республикасининг ташқи ишлар министри Юзеф Чирекни қабул қилди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико иштирок этди.

Иккала томон Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар раҳбар арбобларининг Москва учрашуви якунларидан мамнун эканлигини изҳор этди. Совет Иттифоқи билан социалистик Польша халқаро иқлимни соғломлаштиришга, кескинликни юмшатиш сиёсатини давом эттиришга бундан бўён ҳам ҳисса қўшишга сидқидилдан интилишларини таъкидладилар.

СССР билан ПХР ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар, халқаро муносабатларнинг иккала томонни қизиқтирувчи баъзи бир энг зарур проблемалари муҳокама қилинди.

Шу муносабат билан империалист ва бошқа реакцион доираларнинг социалистик Польшага қарши кўпорувчилик иши олиб боришга, унинг ички ишларига, социалистик интернационализм принципларига асосланган иттифоқчилик муносабатларига аралашишга уринаётганликлари кескин қораланди.

Л. И. Брежнев Польша меҳнаткашларига социалистик ривожланиш йўлида вужудга келган қийинчиликларни тезроқ бартараф этишларини тилади ҳамда Польша Бирлашган ишчи партияси раҳбарлигида бу вазифа бажарилади, деб ишонч билдирди.

Суҳбат самимий, сидқидиллик вазиятида ўтди.

Суҳбатда СССРнинг ПХРдаги элчиси Б. И. Аристов ва ПХРнинг СССРдаги элчиси К. Ольшевский ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

Суратда: суҳбат пайти.

В. Мусаэльян ва Э. Песов телефотоси. (ТАСС — ЎзТАГ).

**«ЭКОНОМИКАНИНГ ТУРЛИ БЎҒИНЛАРИДА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ НАТИЖАЛАРИ УСТИДАН НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛСИН. ДАВЛАТ ИНТИЗОМИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ТЕЖАМКОРЛИККА РИОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ХАЛҚ КОНТРОЛИ ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ ОШИРИЛСИН».**

КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисидаги лойиҳасидан.

# ХАЛҚ КОНТРОЛИ саҳифаси

## ҲАМИША СЕРГАК

НАЗОРАТЧИЛАР — КПСС XXVI СЪЕЗДИГА

Чинобод пахта тозалаш заводи ўнинчи беш йилликда ташкил этилган кенжа саноат корхоналаридан бири. Коллективда ойлик, квартал план ва топшириқлари мунтазам бажарилиб, меҳнат унумдорлиги муттасил ўсиб бораётир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашда заводимиз халқ контроли группаси аъзолари ибратли фаолият кўрсатмоқдалар. Улар КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда, сифатли ва унумли ишлашга ҳалал бераётган камчилик ҳамда нуқсонларга муросасиз муносабатда бўлишаётир. Халқ назоратчилари яқинда завод қошидаги пахта тайёрлаш пунктида сақланаётган хом ашёнинг ҳолатини текшириб, вентиляторларнинг яхши ишламаётгани, айрим бунтларда пахтанинг сифати бузилаётганини аниқладилар.

Сентябрь ойида ўтказилган текширишда 1980 йил ҳосилини қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш бўйича заводда бажарилаётган ишлар атрофлича ўрганиб чиқилди. Халқ контроли группаси аъзоларининг синчковликлари туфайли район хўжаликларидан келтирилган пахта айрим шахсларнинг масъулиятсизлиги оқибатида тўкиб юборилганлиги, ишлаб чиқариш цехларида техник жараёнларнинг бузилаётгани, бу эса маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатаётгани маълум бўлди. Текшириш якуни муҳокама қилиниб, камчиликларга йўл қўйганлиги учун товаршунос Набижон Мирзаев огоҳлантирилди.

Ўтган ойда корхонамизда электр энергияси, ёнилғи ва мойлаш материалларидан қандай фойдаланилаётганини кўздан кечирдик. Маълум бўлишича, техник Салоҳиддин Худойқулов, соловчи Адашали Алихонов, электр монтёр Абдуҳаким Абдуллаевлар электр энергияси ва ёнилғидан нормадан ортиқча фойдаланишаётган экан. Халқ назоратчиларининг сезгирликлари натижасида электр энергияси ва ёнилғи исроф бўлишининг олди олинди. Турғунбой Аҳмедов, Турсунбой Қобилов сингари назоратчиларимизнинг жонкуярликлари туфайли бу камчиликлар тез муддатда тугатилиб, ишлаб чиқариш жараёнининг яхшиланишига эришилди.

Заводимиз халқ контроли группаси сафида меҳнатда илғор, жамоат ишларида фаол иштирок этувчи 15 нафар назоратчи бор. Йил бошидан бери 11 та текшириш ўтказдик. Биз материал ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, янги техника, технология, илғор тажрибаларни жорий қилиш, социалистик мулкни сақлаш, ишчиларга қулай маиший шароит яратиш сингари масалалар юзасидан рейд ва текширишлар ўтказдик.

Группамиз ҳар бир текшириш, рейднинг самарадорлиги, таъсирчанлиги ва ошкоралигини таъминлашга айниқса катта эътибор бермоқда. Текширишларнинг якунлари фақат группа йиғилишларида муҳокама қилинибгина қолмасдан, ишчилар комитети ва партия ташкилотига ҳам ҳавола этилаётир. Камчиликка йўл қўйган масъул шахслар кўрилган тадбир ва чоралар тўғрисида группага ҳисоб бериб турадилар.

Завод партия ташкилоти халқ контроли группаси ишига раҳбарликни борган сари такомиллаштирмоқда. Группа фаолияти коммунистларнинг йиғилишларида вақти-вақти билан муҳокама қилиб борилаётир. Бошланғич партия ташкилоти группа жанговарлигини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини яхшилашда халқ назоратчиларининг таъсирини кучайтиришга ёрдамлашмоқда.

Айни кунларда заводимиз коллективи, шу жумладан, халқ назоратчилари КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС XXVI съездига лойиҳасини зўр қувонч билан кутиб олиб, кенг муҳокама қилаётирлар. Асосий йўналишлар лойиҳасининг ҳар бир сатри, ҳар бир жумласида халқимизнинг ҳаётини янада яхшилаш, унинг турмуш фаровонлигини ўстиришга ғамхўрлик ўз ифодасини топганлиги қувончлидир. Биз халқ назоратчилари партиямизнинг бу муҳим снёсий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатини синчиклаб ўқир эканмиз, уни тўла маъқуллаймиз. Шу билан бирга «Экономиканинг барча бўғинларида бошқарувни такомиллаштириш, хўжалик юритиш даражасини ошириш» ҳақидаги бўлимга, озгина қўшимча киритиш лозим деган фикрдамиз. Ундаги «Давлат интизомини таъминлаш ва тежамкорликка риоя қилиш соҳасида халқ контроли органларининг» сўзларидан кейин **«корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардаги халқ контроли группа ва постларининг роли оширилсин»** деган сўзларни қўшиб қўйишни таклиф этамиз. Чунки план ва топшириқларни муваффақиятли адо этишда, тежамкорлик режимини мустаҳкамлашда халқ контроли группа ва постларининг ҳиссалари жуда каттадир.

Корхонамиз коллективи олдида самарадорлик ва сифат беш йиллигини муваффақиятли якунлаш, ўн биринчи беш йилликни яхши кўрсаткичлар билан бошлаб, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш вазифаси турибди. Бу вазифаларни ҳал этишда заводимиз халқ назоратчилари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Рейдлар ва текширишлар таъсирчанлигини янада ошириш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

**М. ХИДИРОВ,**
**Андижон область, Балиқчи районидаги Чинобод пахта тозалаш заводи ишчиси, халқ контроли группаси аъзоси.**

*Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида*

## ТАЛАБЧАНЛИК УНУТИЛГАЧ

СССР Гўшт ва сут саноати министрлиги «Союзмясомолмонтаж» трестининг Ўрта Осиё махсус монтаж ва созлаш бошқармаси бошлиғи В. Ткаленко анча бегам, эрка раҳбарлар сирасига киради. У кейинги йилларда ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш, коллективга оқилона бошчилик қилиш ўрнига ўз манфаатига анча мос келадиган ишлар билан машғул бўлди. Оқибатда бошқарма давлат план ва топшириқларини уддалай олмади. 1978,1979 йил ва 1980 йилнинг тўққиз ойида ишга туширилиши лозим бўлган 15 объектнинг фақатгина олтитасида 299 минг сўмлик иш адо этилди. Давлат плани атиги 28 процент бажарилди.

Бошқармада барча ишчи кучлари, машина ва механизмлар ишга туширилиладиган объектларга жалб этилмагани, ишлаб чиқариш аҳамиятига молик иншоотлар қурилишининг бориши устидан назорат сусайтирилгани натижасида республикамиз ва Ўрта Осиё республикаларидаги бир қатор объектларда янги қувватлар ўз вақтида ишга туширилмади. Бошқарма Термиз гўшт комбинатида планни 61 процент, Жиззах сут заводида 9,2 процент, Ашхобод сут заводида 28,2 процент адо этди, холос.

Гўшт ва сут саноати корхоналарини капитал ремонт қилиш топшириқлари ҳам ўлда-жўлда. Ўтган икки йилу 9 ойда Туркманистон ССР ва Қирғизистон ССРдаги мазкур тармоқ корхоналарида планда белгиланганига нисбатан 370 минг сўмлик кам маблағ ўзлаштирилиб, топшириқ 81,7 процент бажарилди.

Тугалланмаган объектлар сони борган сари кўпаймоқда. Қурилиш-монтаж ва созлаш ишларининг сифати талабга жавоб бермайди. Бошқарма бошлиғи моддий рағбатлантириш фондидан тежам билан фойдаланмаяпти. Ўтган йили 2,4 минг сўмлик маблағ беҳуда сарф этилган. Ходимларни бўлар-бўлмас ишлар учун командировкаларга йўллаш, уларнинг кечикиб келишларига муросасозлик қилиш каби камчиликлар ҳам тез-тез содир бўлаётир.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети план ва топшириқларнинг бажарилишини таъминламагани, молия-хўжалик қоидаларини қўпол бузгани учун Ўрта Осиё махсус монтаж ва созлаш бошқармаси бошлиғи В. Ткаленкога қаттиқ хайфсан эълон қилди.

## МАСЪУЛИЯТСИЗ БОШЛИҚ

«Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари М. Ёқубов асосан материал-техника таъминоти ва хом-ашёлардан фойдаланиш каби масалалар билан шуғулланади. Бироқ, бош директор ўринбосари ҳар бир ишда тежамкорликка эришишни таъминлаш, материаллар, хом ашёлар ва ресурслар исроф қилинмасдан ишлатилишини кузатиб бориш ўрнига ўзи бу қоидаларни буза бошлади. 1978 ва 1979 йилларда бирлашмада икки миллион сўмликдан знёд маблағ кўкка совурилди. Камомат кўпайиб кетаётганидан кейин 111 минг сўмлик материал қонунга хилоф равишда чегириб ташланди.

М. Ёқубовнинг «фаолияти» республика Халқ контроли комитетида муҳокама этилиб, унга қаттиқ хайфсан берилди ва бир ойлик иш ҳақини давлат ҳисобига ўтказишга қарор қилинди.

Тошкент шаҳридаги «Учқун» тўқимачилик галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани қизғин авж олдирмоқда. План ва топшириқларни муваффақиятли адо этиш, маҳсулот сифатини тобора яхшилаб боришда халқ назоратчиларининг хиссалари катта бўлаётир.

Суратда: бадиий буюмлар цехи техника назорати бўлими контролёри, халқ контроли группаси аъзоси Ҳожия Камолова ва бригада бошлиғи Вазира Икромова тайёр маҳсулот сифатини текширишмоқда.

В. Сироткин фотоси.

*Хатларни рассом шарҳлайди*

## Қишнинг қаҳри қаттиқ

### СИР ОЧИЛДИ

Совхоз бош зоотехниги Аразовнинг қовоғи солинди. Наҳотки, 450 товуқдан атиги 10—15 тадан тухум олинса? Ахир, бу кетишда план қандай бажарилади? У ҳудди тухум туғмаётган товуқларни ғажиб ташлагудек важоҳат билан товуқхонага кириб кетаётган эди, нимагадир қоқилиб кетди. Нимқоронғи товуқхонадаги паррандалар бирваракай қақалаб юборишди. Товуқхонанинг ичи ифлос, деразалар тирқишидан изғирин эсиб турибди. Эссиз, кузги-қишки мавсумга яхшироқ тайёргарлик кўришмаган экан. Агар товуқхоналарни сал иситиб қўйишганида, дон-дунён кўпроқ ғамлашганида балки товуқлар ҳозиргидек озиб кетмаган, кўпроқ тухум туққан бўлармиди?

Ч. Аразов ўз хонасига кириб, октябрь ойи иш якунлари битилган маълумотномага кўз ташлади. Унда Бахористон районидаги 27-совхозда 4 минг бош парранда борлиги, унинг минг боши 2—3 ойлик жўжалар эканлиги битилган. Паррандалар умумий сонининг қарийб 80 проценти тўйиб овқатлантирилмаяпти. Октябрь ойида 635 бош парранда ўлиб, фермага 5 минг сўмлик зарар келтирилди.

Қашқадарё областининг бошқа базси районларида ҳам чорвадорларнинг шу кунлардаги ишлари талабга жавоб бермайди. Октябрь ойида Косон районида 39 бош, Шаҳрисабз районида 72 бош, Чироқчи районида 203 бош, Деҳқонобод районида 214 бош, Ғузор районида 220 бош қўй ва эчкилар нобуд бўлишига йўл қўйилди.

Областнинг бир қатор хўжаликлари кузги-қишки мавсумга яхши тайёргарлик кўришмаган. Ғузор районида 6 молхона, 3 бузоқхона, Нишон районида 4 молхона, 2 бузоқхона ва 14 кошар ремонт қилинмаган. Автосуғоргичлар, ем бўлгичлар яхши ишлатилмаяпти.

Ёз ва кузда айрим чорвадорлар ем-хашак тайёрлаш планини бажардик, деб кўпракка уришган эди. «Қаршицелинхлопок»да мавжуд ем-хашак қайта тортиб кўрилганида сир очилди, у 11543 тоннага ошириб ёзилгани аниқланди. Ем-хашак тўплаш плани Бахористон районида 94, Ғузор районида 86, Шаҳрисабз районида 83, Муборак районида 77 процент уддаланган экан, холос. Бу эса моллар рацион бўйича боқилмаслигига олиб келяпти.

У. ПИРМАТОВ.

### МОЛХОНАМИ—МУЗХОНАМИ?

Боғот районидаги «Ленин изми» колхози чорвадорларини қурувчилар ғафлатда қолдириши. Балки бунга колхозчиларнинг ўзлари ҳам айбдордир? Улар қурувчилар иши устидан назоратни сусайтиришган, уларни керакли материаллар билан таъминлашмаган бўлишлари ҳам мумкин? Ҳаркалаб 150 ўринли молхона қурилиши ўлда-жўлда қолиб кетди. Ҳатто томини ёпишга улгуришмади. 200 бош қорамол боқиладиган молхонада 3 та эшик йўқ, хоналар совуқ ва қоронғи.

Шу райондаги «Коммунизм» колхозида қурилаётган 200 бош молга мўлжалланган молхона сувалмаган. Оғилхоналар қурилмаган, деразаларга ойна солинмаган. Димитров номли колхознинг чўчқахона ва паррандахонаси ҳам омонат. Бу хўжаликда янги молхоналар қурилиши тугалланмаган. Шу сабабли чорва моллари бу йил яхши иситилмаган хоналарда қишлаяпти. Демак, моллар яхши парвариш қилинмай, нобора бўйича семирмаяпти.

Боғот районидаги Димитров номли, Жданов номли колхозларда, Шовот районидаги «Партия XIX съезди» ва Чкалов номли колхозларда моллар туёғи сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча камайиб кетган. Хўжаликларда ем-хашак яхши сақланмаяпти. Айрим колхозларда оғилхоналар йўқ, баъзи жойларда бузилган. Натижада ем-хашак ерга ташланиб, исроф бўляпти.

Мазкур районларда ҳам кузги-қишки мавсумга тараддуд кўриш, мўл-кўл ем-хашак тайёрлашга эътибор берилмаган. Халқ назоратчилари мавжуд ем-хашакларни контроль ҳисоблаб кўришгач, ем-хашак жамғариш ҳақидаги маълумотлар тайёрланганда кўзбўямачиликка йўл қўйилганини фош этишди.

Боғот районидаги Димитров номли, «Ленинизм», «Коммуна» колхозларида ҳисоботлардагига қараганда 906, 954, 250 тоннадан кам ем-хашак тўпланган. Шовот районидаги «Коммунизм», «Ленинизм» колхозларида ҳам ем-хашак анча ошириб ёзилган. Бундан ташқари чорвадорларнинг ишини механизациялашга эътибор берилмаяпти. Чўпон-чўлиқлар ва сигир согувчиларнинг қишли-қировли кунларда намунали меҳнат қилишларига етарли шароит ҳозирланмаган.

Ш. УЗОҚОВ.

— Уйгонинг, чипор товуқ тухум туғди — суюнчи олгани келдик.

— Бу молларнинг бардошига қойил!

А. Холиқов расмлари.

## КОНТРОЛНИНГ ЛЕНИНЧА ПРИНЦИПЛАРИ ҲАҚИДА

«В. И. Ленин. КПСС ижрони контроль қилиш ва текшириш ҳақида» тўпламининг биринчи томи босмадан чиқди. Бу тўплам иккқ томда нашр этилади.

Китобга В. И. Ленининг ижрони контроль қилиш ва текшириш моҳияти, партиянинг ва партия раҳбар органларининг фаолиятида унинг аҳамияти тўғрисидаги асарлари киритилган. КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг ҳужжатлари за материаллари эълон қилинган. Булар партиянинг қабул килинган қарорлар ижросини контроль қилиш ва текшириш масалаларига катта эътибор бераётганлигини тасдиклайди.

Тўпламни Снёсий адабиёт нашриёти тайёрлаган, у «Красний пролетарий» босмахонасида нашр этилди.

(ТАСС).

## ЧАЛА ҚОЛГАН ҚУРИЛИШЛАР

НАЗОРАТ ПОЧТАСИ

Боёвут районидаги «Ленинизм» колхози турар жой кооперативининг аъзолари шу йилнинг март ойида жуда кувонишган эди. Уларга аталган учта турар жой биноси белгиланган муддатдан анча кеч бўлса-да, фойдаланишга топширилди. Бироқ, улар уй остонасига оёқ қўйишлари билан ҳанг-манг бўлиб қолишди. Дераза ва эшиклар қийшиқ ўрнатилган, деворлар ғадир-будир, тузукрок сувалмабди. Оқ деворларда дераза бўялганда томган бўёк доғлари, боссангиз ғижирлайдиган нотекис поллар асабга тегади.

— Ҳеҳкиси йўқ, ҳозирча яшаб турингилар, — дейишди қурувчилар янги уй эгаларини тинчлантирмоқчи бўлишиб. — Тез орада барча камчиликларни тузатиб берамиз.

Сирдарё область колхозлараро қурилиш трести 59-кўчма механизациялашган колоннаси бинокорлари худди шу колхозда июль—сентябрь ойларида ҳам уй-жойлар қуришди. Бу биноларда ҳам тугалланмаган, сифатсиз ишлар анча кўплиги учун уйлар қабул комиссияси аъзоларининг актисиз фойдаланишга топширилди. Ҳатто уйларга колхозчиларнинг кўчиб киришларига рухсат берилди.

«Қолган ишга қор ёғар», деганларидай қурувчилар ташлаб кетилган чала ишларни бажариб беришга ҳеч вакт ажратишмаяпти. Турар жой кооперативи аъзолари эса уй қурилишида йўл қўйилган камчиликларни ўз ҳисобларидан тузатишга мажбур бўлишяпти.

Область колхозлараро қурилиш трести уй-жойлар, мактаблар ва мактабгача болалар муассасалари бинолари шу колхозда июль—сентябрь ойларида ҳам уй-жойлар қуришди. Бу биноларда ҳам тугалланмаган, сифатсиз ишлар анча кўплиги учун уйлар қабул комиссияси аъзоларининг актисиз фойдаланишга топширилди. Бироқ, улар уй остонасига оёқ қўйишлари билан ҳанг-манг бўлиб қолишди. Дераза ва эшиклар қийшиқ ўрнатилган, деворлар ғадир-будир, тузукрок сувалмабди. Оқ деворларда дераза бўялганда томган бўёк доғлари, боссангиз ғижирлайдиган нотекис поллар асабга тегади.

— Ҳеҳкиси йўқ, ҳозирча яшаб турингилар, — дейишди қурувчилар янги уй эгаларини тинчлантирмоқчи бўлишиб. — Тез орада барча камчиликларни тузатиб берамиз.

Сирдарё область колхозлараро қурилиш трести 59-кўчма механизациялашган колоннаси бинокорлари худди

Хоразм области. Қўшкўпир районидаги Олтибой Қурбонов номли колхозда илғор чорвадорлар кўп. Опа-сингил Бозоргул ва Қўшагул Латиповалар шулар қаторида. Опа-сингиллар якунловчи йилда 73 боқимларидаги сигирларнинг ҳар биридан 3700 килограммдан сут соғиб олишди. Суратда: Бозоргул ва Қўшагул Латиповалар.

П. Собиров фотоси.

# КОМПЛЕКС ТАРАҚҚИЁТГА ДАЪВАТ

**Гагарин райони меҳнаткашлари пахта ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш бўйича ўн биринчи беш йиллик планни уч йилда бажаришга азму қарор қилдилар**

КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасини барча совет кишилари сингари районимиз меҳнаткашлари ҳам катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар, унда белгиланган коммунистик қурилиш вазифаларини чин юракдан маъқулламоқдалар. Муҳокама пайтида эришилган муваффақиятлар тилга олиняпти, асосий эътибор галдаги вазифаларга қаратиляпти, ютуқларни мустаҳкамлаш, партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш, коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлаш билан боғлиқ бўлган актуал масалалар ўртага ташланяпти, янги, ижобий ва фойдали мулоҳазалар айтиляпти.

1976—1980 йилларда районимиз меҳнаткашлари партия ташкилотлари бошчилигида қўлга киритган ютуқлар ҳақида гап борганда, шуни айтиш керакки, ўнинчи беш йилликда давлатга 290 минг тоннадан ортиқ пахта сотилди, бу тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 57 минг тонна кўп демакдир. Шу даврда дон тайёрлаш 2,8 баравар, шоли 2,7 баравар кўпайтирилди. Бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш беш йиллик планлари ҳам ортиғи билан адо этилди. Хўжаликларимизнинг экономикаси мустаҳкамланди, меҳнат аҳлининг турмуш фаровонлиги ҳар қачонгидан ҳам юксалди.

Лойиҳада ўн биринчи беш йилликда республикада ялпи пахта миқдорини 5,9 миллион тоннага етказиш вазифаси қўйилди. Бу анча қийин, лекин бажарса бўладиган ва бажариш шарт бўлган вазифадир. Халқимиз меҳнатсевар, партия ташкилотларимиз жанговар, етарли ер, сув, ўғит, техникага эгамиз, давлатимиз катта моддий-техника ёрдами кўрсатяпти. Демак, ўн биринчи беш йиллик план-топшириқларини ҳамма турлари, миқдор ҳамда сифат кўрсаткичлари бўйича тўла ва ошириб бажариш учун барча имкониятларга эгамиз. Бунинг учун кенг меҳнаткашлар оммасини сафарбар эта билиш, кучғайратни асосий вазифаларни муддатида бажаришга қарата олиш керак.

Районимиз меҳнаткашлари лойиҳани зўр қизиқиш билан муҳокама қилар эканлар, ўн биринчи беш йиллик планни уч йилда бажаришга қатъий қарор қилдилар. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи босқичи 1980 йилда 63 минг тонна, шу жумладан 40 минг 600 тонна ингичка толали пахта тайёрладик. Пахта етиштириш 1983 йилга бориб бу йилгига нисбатан қариб икки баравар кўпайтирилади, ҳозирдаёқ шуни аниқ режалаб олдик. Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида дон етиштириши 1980 йилдагига қараганда 60 минг тонна кўпайтириш ниятидамиз.

Лойиҳани қизғин муҳокама қилар эканмиз, донни кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатадиган тармоқларни кескин ривожлантириш йўлларини излаб топяпмиз. Шулардан бири шоликорлик тармоғидир. 1981—1983 йилларда 60 минг тонна шолини, 25 минг тонна маккажўхори донини тайёрлов пунктларига топширишни режаладик. Шу йилларда сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотлари ҳам икки-уч баравар кўпайтирилади.

Районимизда чорвачиликни ривожлантириш, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтириш учун ҳамма чораларни кўряпмиз. Чорва моллар туёқ сони ошириляпти, маҳсулдорлиги кўтариляпти, зоти яхшиланяпти, чиқимга чиқишига йўл қўйилмаяпти. Энг муҳими ургочи моллардан насл олишда яхши кўрсаткичларга эришиляпти. Озуқа базаси яйловларни кенгайтириш, пахта-беда алмашлаб экишни кенг жорий этиш ҳисобига мустаҳкамланяпти. Кези келганда шуни айтиб ўтмоқчимизки, лойиҳага **ҳар бир колхоз ва совхозда қорамолчилик, қўйчилик, чўчқачилик, йилқичилик, паррандачилик фермалари ёки комплекслари бўлиши таъминлансин, балиқчилик, сув паррандачилиги, қуёнчилик тармоқлари йўлга қўйилиб, ривожлантирилсин** деган иборалларнинг ёзиб қўйилишини таклиф этамиз. Бундай дейишимизга сабаб шуки, айрим районлар, колхоз ва совхозларда ҳамма имкониятлар бўла туриб, ана шу муҳим тармоқларни ривожлантиришга етарли баҳо берилмаяпти.

Биз пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш тадбирларини белгилаганимизда, биринчи навбатда янги ерлар ўзлаштиришни кўзда тутдик. Бундай ерлар районимиз территориясида бор. 1981—1983 йилларда Амударё қирғоқларидан 6 минг 500 гектар янги ер очиб, шоликорликка ихтисослаштирилган совхоз тузамиз. Бундан ташқари Музработ массивидан 8 минг гектар ер очиб, деҳқончилик қиламиз, унинг 6 минг гектарида пахта етиштирилади. Хўжаликларимиз ўз кучлари ва маблағлари ҳисобига 2 минг гектар ерни оборотга киритиш чораларини кўрмоқдалар. Шундай қилиб, ўн биринчи беш йиллик план-топшириқлари бажариладиган босқич — 1983 йилгача 28 минг гектар янги ер ўзлаштириб деҳқончилик оборотига киритамиз. Айни кезда оқ пахта ҳосилдорлигини кўтариш билан саноат учун энг қимматли хом ашё ингичка толали пахта ҳосилдорлигини гектар ҳисобига 36 центнерга етказамиз.

Янги ер ўзлаштириш улкан ишнинг бошланишидир. Ўша ерларда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун сув таъминоти яхшиланиши керак. Акс ҳолда сарфланган маблағ ва меҳнат зое кетиши мумкин. Бободеҳқонлар, сув хўжалиги системаси ходимлари, мутахассислар билан маслаҳатлашиб «Искра» насос станцияси қурилишини тезлатишни, унинг замирида янги канал ва коллекторлар чиқаришни лозим топдик. Районимиз меҳнаткашлари, партия ташкилотларининг бу фикрини республика сув хўжалиги системаси идоралари, биринчи навбатда Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги қўллаб-қувватлайдилар, деган умиддамиз.

Лойиҳада ўн биринчи беш йиллик вазифаларини бажариш учун ташкилотчилик ва сиёсий ишни такомиллаштириш зарурлиги уқтирилган. Белгиланган топшириқларни бажариш учун кадрларга нисбатан талабчанликни ошириш, барча звеноларда интизомни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланган. Беш йиллик план-топшириқларини уч йилда бажариш учун кадрларимиз, хусусан хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари, коммунистларнинг авангардлик роли ва масъулиятини оширмоғимиз, бегамлик, бепарволик, ўзибўларчилик ҳолларига бутунлай барҳам бермоғимиз керак.

Шу ўринда бир муҳим масалага эътиборни қаратмоқчиман. Ер, об-ҳаво ва иқлим шароити бир хил бўлган, ишчи кучи ва техника воситаларида деярли тафовут бўлмаган хўжаликларда айрим ҳолларда турлича ҳосил қўтарилади. Илғор колхозлар, совхозлар, бригадалар гектаридан 55—60 центнердан пахта хирмони кўтарганлари ҳолда, айримлари 30—35 центнерлик маррасидан ўзолмайди. Ўн биринчи беш йилликда нисбатан қолоқлар бўлмаслиги, ҳамма баравар юқори ҳосил олиб, катта хирмон кўтармоғи керак, бу борада ҳеч кимга имтиёз берилмаслиги даркор. Ҳаммадан ва ҳар бир кишидан ҳосил тақдири учун катта масъулият талаб қилиш лозим.

Кўпинча янги боғ-роғлар, токзорлар бунёдга келтириш, сабзавотчилик, полизчилик, картошкачилик ва бошқа тармоқларни шаҳдам тараққий эттириш ҳақида яхши гаплар айтилади, ҳатто қарор қабул қилинади. Кейинчалик эса ўша мақсадлар учун ер, сув, техника воситалари ажратилмайди, иш бошига ўқимишли, ташкилотчи кадрлар қўйилмайди, пахта баҳона қилиниб, бу тармоқлар унутилади. Бизнингча бундай ҳолларга чек қўймоқ учун лойиҳага **ҳар бир хўжаликда қишлоқ хўжалик экинлари экиш планлари бажарилиши шарт, раҳбарларнинг фаолиятига барча тармоқлар бўйича маҳсулотлар тайёрлаш планларининг бажарилишига қараб баҳо берилсин** деган иборалар киритилса яхши бўлар эди.

Районимиз меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун далалар ва фермаларда, автотрактор парклари ва қурилиш участкаларида фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Пахта ва бошқа экинлардан бўшаган ерлар ўғитланиб чуқур шудгорлаб қўйилганига анча бўлди. Ҳозир ерларни суғориб нам тўплаш, қишлоқ хўжалик зараркунандаларини қириб ташлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Механизаторларимиз устахоналарда техника ремонтини кучайтирмоқдалар. Лекин ремонт учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларга муҳтож бўлаётганлигимизни даҳлдор ташкилотларнинг раҳбарлари инобатга олсалар, тезроқ амалий ёрдамлар берсалар яхши бўлар эди.

Чорвадорларимиз қишловни соз ўтказиш, бу фаслда маҳсулотларнинг камайишига йўл қўймаслик, олинган ёш чорва молларни тўла сақлаб қолишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Район активларидан катта группаси чўпон-чўлиқларга ёрдам кўрсатиш учун фермалар ва отарларга юборилди.

Районимиз меҳнаткашлари барча тармоқларни комплекс ривожлантириш, маҳсулотлар етиштиришни янада кўпайтириш учун мусобақани бутун чоралар билан кучайтирадилар.

**Х. МУРОДОВ,**
**Гагарин район партия комитетининг биринчи секретари.**

## КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1980 йил 19 декабрдаги Фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб, тарбиялаган кўп болали 272 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди, уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилади.

(ЎзТАГ).

# ЗУЛМАТ САЛТАНАТИДА БАЛҚИГАН «ЮЛДУЗ»

**(«ПРАВДА»НИ ТАЙЁРЛАГАН БОЛЬШЕВИСТИК «ЗВЕЗДА»НИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА)**

1911 йилни Владимир Ильич Ленин Парижда кутиб олди. 2—3 январь кунлари унга Россиядан кетма-кет икки пакет келди. Уларнинг бирида Петербургда чиқа бошлаган ошкора «Звезда» газетаси юборилган эди. «Звезда» чор империясининг маркази — Петербургда, бамисоли зулмат салтанати осмонида балқиган ёруғ юлдуздек чақнаб чиқди.

«Звезда»нинг 1-сони 1910 йил 16 (29) декабрда чоп этилди. 1912 йил 22 апрель (5 май)гача газетанинг жами 69 номери чиқди. «Звезда» ёпилгач, унинг ишини «Невская звезда» давом эттирди. Бу газета большевиклар томонидан 1912 йил 26 февраль (10 март)даёқ ташкил этилган бўлиб, 1912 йил 5 (18) октябргача унинг 27 сони чиққанди.

Ошкора «Звезда»нинг чиқа бошлаганидан бениҳоя қувонган Владимир Ильич газетанинг йўналиши ва мазмунига нисбатан талабчанликни асло бўшаштирмади. М. Горький ва бошқа ўртоқларга йўллаган мактубларида дастлабки номерларнинг ноизчиллиги, беқарорлиги, заифлигини очиқ айтди. Чиндан ҳам редакция 1-сондаги бош мақоладаёқ «сиёсий практика соҳасига газетамиз таъсирининг дахли йўқ», «турли фракциялар билан мунозарага киришмаймиз» дея большевистик газетанинг мақсади ва вазифаларига мутлақо зид иш қилганди. Бу — муросасозлик, принципсизлик, бебурдликдан бошқа нарса эмасди. Ваҳолонки, В. И. Ленин большевистик матбуотдан ҳамиша ва ҳар қандай шароитда пролетариат душманларига қарши курашда партиявий принципиалликни, жанговарлик ва ҳужумкорликни қатъий талаб қиларди.

Газетанинг 25 сони босилиб чиққач, у бир муддат тўхтаб қолди. Владимир Ильичнинг қизғин ҳатти-ҳаракатлари, жонбозлиги туфайли газета яна чиқа бошлади. Янги редакция бутунлай большевиклар қўлига ўтганди: 1911 йил 5 ноябрда босилиб чиққан 26-сонидан бошлаб «Звезда» чинакам большевистик органга айланди.

Янги редакция ишчи коллективлари билан алоқани кенгайтирди, ишчилар ҳаётини ёритувчи бўлимнинг ишини қайта қурди, фабрика-заводлар, касаба союзлари фаолиятини ёритишга катта ўрин ажратди, ишчилар ҳаракатининг турли масалаларига кўплаб материаллар бағишлади. Думадаги социал-демократик фракция фаолияти ҳақида берилган мақолалар ишчиларнинг сиёсий онгини ўстиришда катта роль ўйнади. Бу тадбирлар самараси ўлароқ газетага келаётган хат-хабарлар сони кескин кўпайди, «Звезда»нинг ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлар ўртасидаги обрўси ошиб кетди.

Газетанинг етакчи раҳбари В. И. Ленин эди. Владимир Ильич гарчи редакциядан анча йироқда, чет элда яшаса ҳам ўзининг қимматли маслаҳатлари, хат-хабарлари ва мақолалари билан редакция ишларига ҳар томонлама ёрдамлашиб турди, авторлар жалб қилишда кўмаклашди. Н. П. Батурин, А. И. Елизарова, К. С. Еремеев, М. С. Ольминский, И. В. Сталин ва бошқалар газетада фаол қатнашиб турдилар.

В. И. Ленининг илтимоси ва маслаҳати билан «Звезда»да М. Горький қатнашиб турди. Жумладан, унинг Италия ҳақидаги эртакларидан ёттитаси газетада босилганди. 1911 йил ўрталаридан «Звезда» саҳифаларида Демьян Беднийнинг номи кўрина бошлайди ва тез орада ишчи-деҳқон, солдатлар ўртасида машҳур бўлиб кетади.

Шубҳасиз, газетанинг етакчи публицистларидан бири В. И. Ленин эди. «Звезда» ва «Невская звезда» саҳифаларида турли таҳаллуслар билан доҳийнинг 50 дан ортиқ мақола, корреспонденция ва бошқа материаллари босилиб чиқди. «Марксизм тараққиётининг баъзи хусусиятлари ҳақида», «Л. Н. Толстой ва унинг даври», «Кризиснинг аҳамияти ҳақида», «Афсусланиш» ва «Уялиш», «Якун», «Эски ва янги», «Маркс тўғрисида Гайндманнинг айтганлари», «Либерал ишчи партиясининг манифести», «Либерализм ва демократия» каби мақолалар шулар жумласидандир. Мазкур мақолаларда Владимир Ильич ўша даврдаги қатор муҳим воқеаларни таҳлил қилиб, яширин шароитда ишқиёраётган партиянинг иш программасини белгилади, революцион марксизмнинг ижодий характерини гоят чуқур ва ишонарли тарзда кўрсатиб берди.

Ленининг ғоявий раҳбарлигида «Звезда» газетаси яширин пролетар партиясининг программа ва тактикасини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этадиган жанговар марксистик газетага айланди. У революцион марксизм принципларини қаттиқ туриб ҳимоя қилди, илғор назарияни таргиб ва ташвиқ этди, марксистик партияни мустаҳкамлаш учун, ишчилар синфи билан деҳқонларнинг революцион иттифоқи учун ликвидаторлик ва отзевизмга қарши муросасиз кураш олиб борди.

1912 йил 4 апрелда Лена конларининг ишчилари ўз ҳуқуқларини талаб қилиб намойишга чиққанликлари учун ўққа тутилдилар. Бу мудҳиш воқеа яшин тезлигида бутун мамлакатга ёйилди. «Звезда» газетаси 8 апрель сонини Лена воқеаларига бағишлади. Газета саҳифаси қора бўёқдан ҳошия тортиб мотам либосида чиқди. «Лена конларида 250 киши отиб ўлдирилди, 250 киши яраланди» деган сўзлар қуюқ қора ҳарфлар билан йирик-йирик қилиб терилган эди: бу, шубҳасиз, машъум хабарнинг таъсир кучини оширганди.

«Звезда» ишчиларнинг авангард қисмига, илғор активистларга мўлжалланган, шу активни большевикларга теварагига жипслаштиришни ўзининг асосий мақсади деб билган газета эди. Янгидан революцион кўтарилиш ҳаракати бутун мамлакатни қамраб олаётган бир шароитда большевиклар партияси учун кенг меҳнаткашлар оммаси билан мустаҳкам алоқада бўлган ва уларнинг тобора кенгайиб бораётган ҳаракатига раҳбарлик қила оладиган ошкора кундалик ишчи газетаси зарур бўлиб қолганди. Владимир Ильичнинг сўзлари билан айтганда, оммавий-сиёсий кундалик ишчи газетасини барпо этиш «мавжуд аҳволнинг бош масаласи» эди. В. И. Ленин томонидан Петербург большевиклари ва ишчилар синфи олдига қўйилган бу вазифани адо этишда «Звезда» улкан ташкилотчи ролини ўйнади. Редакция ўзининг бир қатор бош мақолаларида «Кундалик ишчи газетаси ҳақидаги масала ишчи ҳаракатининг навбатдаги энг муҳим масаласи» эканини меҳнаткашларга тушунтириб, уларни газетани пул ва хат-хабарлар билан таъминлаб туришга чақирди. Газета чақиригига жавобан кундалик ошкора ишчи газетаси нашр этиш фикрини қувватлаб «Звезда» редакциясига ишчилар ва маҳаллий партия ташкилотларидан кўплаб хатлар кела бошлади. Одатда улар хат билан бирга янги газета учун тийинлаб тўплаган пулларини ҳам юборардилар.

1912 йил апрелда «Звезда» газетаси «Правда»га обуна қилиш бошланганлиги тўғрисида эълон берди. Кўплаб ишчилар ва маҳаллий партия ташкилотлари зўр уюшқоқлик ва активлик билан газетага обуна бўла бошладилар...

Ниҳоят, 1912 йил 22 апрель (5 май) куни «Звезда» олиб борган улкан ташкилотчилик фаолиятининг ажойиб самараси ўлароқ умумрус оммавий кундалик ишчи газетаси «Правда»нинг 1-сони босилиб чиқди. «Звезда» газетасининг партиямиз тарихидаги, Россия меҳнаткаш лари олдидаги улуғ хизматларидан бири ҳам шунда эди.

«Звезда»нинг яна бир тарихий хизмати шундаки, у 1905—1907 йилларда ошкора большевистик матбуот тўплаган тажрибани бойитди ва янги шароитда ривожлантирди. «Звезда» фаолияти революцион курашнинг шундай ажойиб намунасидирки, бу намуна то ҳозирги кунгача капиталистик тузум шароитида яшаб, курашаётган коммунистик ва ишчи партиялар ва уларнинг матбуот органлари фаолиятида қўлланилмоқда ва яхши самаралар бермоқда.

**В. АБДУЛЛАЕВ.**
**тарих фанлари кандидати, доцент.**

# ПЛАНЕТАМИЗДА

## СОВЕТ–ҲИНДИСТОН ҲАМКОРЛИГИ

ДЕҲЛИ, 25 декабрь. (ТАСС). Бу ерда Ҳиндистон жамоатчилигининг КПСС Марказий Комитети Боғ секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг шу йил декабрь ойида Ҳиндистонга килган расмий дўстона вазити якунларига бағишланган митинги бўлди. Митинг «Ҳиндистон — Совет ҳамкорлигининг янги уфқлари» шиори остида ўтди. Бу митингда Ҳиндистоннинг таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари, мамлакат парламентининг етакчи сиёсий партиялардан сайланган аъзолари қатнашдилар.

Парламент аъзоси, Ҳиндистон ҳукмрон миллий партиясининг (И) Бош секретари Н. Сатьянарайяна Рао ўз нутқида бундай деди: Президент Л. И. Брежневнинг яқинда Ҳиндистонга қилган вазити мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга жуда катта ҳисса қўшди. Совет Иттифоқи ҳамиша Ҳиндистонни қўллаб-қувватлаб, жуда оғир пайтларда унга ҳал қилувчи ёрдам ва мадад бериб келди. Ҳозирги кунда комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ҳиндистон — Совет муносабатлари давлатларимиз халқларининг манфаатлари йўлидагина эмас, Осиё қитъасида ва бутун жаҳонда тинчлик саодати йўлида ҳам муваффақиятли ривожланиб бормоқда, деб таъкидлади Н. С. Рао. Ана шу самимий, илиқ, дўстона алоқаларга зарар етказишга уринадиган шахслар Ҳиндистон душманларидир.

Л. И. Брежневнинг визити, унинг Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди билан олиб борган музокаралари империалистик давлатлар ва уларнинг гумашталари ҳадқаро вазиятни кескинлаштиришга интилаётганлигини эътиборга олганда катта аҳамият касб этди, ана шу музокаралар натижасида икки томонлама бир канча муҳим битимлар имзоланди, деб уқтириб ўтди Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий кенгашининг секретари Н. К. Кришнан. Олий даражада ўтказилган учрашувлар давомида Л. И. Брежнев билан И. Ганди имзолаган Ҳиндистон — Совет Қўшма декларациясида Ҳиндистон билан СССР бундан буён ҳам қуролланиш пойгасини чеклаш учун ва қуролсизланиш учун, империализмнинг «совук уруш»ни қайтадан тиклаш, халқаро кескинликни янги манбаларини вужудга келтириш борасидаги уринишларига қарши кураш олиб боражаги яна бир марта таъкидлаб ўтилди. Қўшма Штатларнинг агрессив ҳаракатлари, Пекиннинг гегемончилик йўли натижасида ва Покистон маъмурларининг ҳарбий тайёргарликни кучайтирганлиги натижасида Ҳиндистон душман кучлар томонидан қуршаб олинган ҳозирги пайтда Л. И. Брежневнинг Совет Иттифоқи дўст тинчликсевар Ҳиндистонни ўз мустақиллигини муваффақиятли ҳимоя қилишга, Осиёда тинчлик ишини мустаҳкамлашга қодир бўлган кучли давлат сифатида кўришни истайди, деб айтган гаплари алоҳида маъно касб этади.

*Капитал дунёси: тузалмас иллатлар*

## «ИҚТИСОДИЙ МЎЪЖИЗА» ТЎҒРИСИДАГИ ҲАҚИҚАТ

ГФР матбуоти миллий экономиканинг аҳволига доир кейинги маълумотларни шарҳлаб, якдиллик билан «депсиниб қолдик» деган хулосани чиқарди. Шу йилнинг иккинчи кварталида ялпи маҳсулот ҳажми биринчи кварталдагига нисбатан бир процент камайди. Шундан кейин экономикадаги тушкунлик тезлаша борди: ишлаб чиқариш ҳажми июнь ойидан август ойигача 5 процентдан зиёд қисқарди. Ишсизлар сони тез ортиб боряпти.

Ҳозирги вақтда навбатдаги иқтисодий кризис бутун капитализм дунёсида авж олиб кетганлигини эътиборга олганда, бунга ажабланиб бўлмайди. АҚШ, Англия, Франциядан ва бошқа мамлакатлардан ҳам шундай хабарлар келиб турибди. Аммо ГФРдаги аҳвол обзорчиларнинг диққат-эътиборини шунинг учун ҳам ўзига жалб этдики, ҳали яқиндагина «Ғарбий Германия мўъжизаси» деган гапларни эшитишга тўғри келган эди. Жумладан, ГФР валютаси Ғарбда деярли энг кучли валюта, деб ҳисобланганлиги шундай «мўъжиза» белгиларидан бири эди. Ҳозирги вақтда валюта бозорларида марканинг қадр-қиймати пасайиб бораётганлиги аён бўлиб қолди. Марканинг курси АҚШ доллари ва Англиянинг фунт стерлингига нисбатан эмас, Европа валюта системаси доирасида ҳам пасайиб кетди. ГФР маркаси ҳозирги пайтгача шу системада катта ўринни эгаллаб келган эди. Иқтисодий кризиснинг валюта кризиси билан шу тарзда қўшилиб кетиши капиталистик давлатларнинг экономикасидаги янги ҳодисадир.

Англия биринчилар қатори шундай ҳолатга дучор бўлди. Англия бир замонлар жуда катта мустамлака империясини вужудга келтириб, унинг стерлинг зонаси ҳам кенгайиб кетган эди. Аммо империя ҳалокатга юз тутганидан кейин Буюк Британия Европа давлатлари оразида ўртача мавқени эгаллади, унинг саноатдаги асосий фондлари эскирибқолди, пулнинг қадрсизланиши тез суръатлар билан кучая борди. Буюк Британияда меҳнат унумдорлиги тараққий этган капитализм дунёсида энг паст ўринга тушиб қолди.

70-йилларнинг ўрталарида кризис АҚШда жуда яқол намоён бўлди. 1973 йилдан буён меҳнат унумдорлиги ўсмай, пулнинг қадрсизланиши тез суръатлар билан ривожланяпти. Ишсизлик доим юқори даражада сақланиб қолмоқда. 10 йилликнинг иккинчи ярмида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи қисқара бошлади.

Шу нарса эътиборни ўзига жалб этадики, Англия билан АҚШнинг тарихий шароитлари турлича бўлишига қарамай, уларнинг иқтисодий қийинчиликлари бир-биридан фарқ қилмайди. Ҳар икки ҳолда ҳам ғаз молия гегемониясини ўрнатишнинг муайян даражадаги оқибатлари тўғрисида боряпти. Бундай гегемония шароитида мол чиқариш капитални экспорт қилиш билан алмашилди.

Капитални экспорт қилиш ҳар қандай мол чиқаришдан фойдалидир. Бунинг боиси шуки, у валютани экспорт қилувчи давлатга бошқа мамлакатлар моли истеъмол қилишишни таъминлайди, бунинг ўрни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот билан қопланмайди. Аммо империалистларнинг ўзгалар меҳнатидан текинхўрларча фойдаланиши натижасиз қолмайди. Биринчидан, у ёки бу мамлакатнинг капитал чиқариши унинг ўз экономикасини заифлаштиради, уни зарур бўлган инвестициядан (бирор ишга маблағ сарфлашдан) маҳрум этади. Иккинчидан, у миллий экономиканинг эҳтиёжлари талаб этгандан кўпроқ миқдорда валюта чиқарилишига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келадики, жаҳон миқёсидаги муомалада нисбатан камроқ миқдордаги молга тенг валюта кўпроқ тўпланиб қолади. Бунинг натижасида экономика ҳам заифлашиб боради.

В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Рантье — давлат паразитизм йўлига кириб, чириб бораётган капитализм давлатидир». (Тўла Асарлар тўплами, 27 том, 457-бет). ГФРнинг, шунингдек Японияннинг аҳволи буни тасдиқлайди. Ғарб пропагандаси ГФР билан Японияннинг 50- ва 60-йилларда бошқа мамлакатларга нисбатан тезроқ ривожланганлигини «иқтисодий мўъжиза» деб мадҳ қилган эди. Ҳозирги кунда буни эса олмасликка уринмоқдалар.

Воқеаларнинг бундай ривожи тасодифий бир ҳол эмас. Бундай ҳолат капиталистик экономиканинг умуман заифлашиб бораётганлиги натижасида рўй берди. Лекин ГФРнинг 1974 йилдан буён доим кенгайиб бораётган валюта экспансияси ҳам катта роль ўйнади. Масалан, ГФРдан капитал чиқариш жуда ҳам ортиб, 7,8 миллиард маркани ташкил этди, чет элларга юборилган капитал маблағ эса 66 миллиард маркага етди. Ғарбий Германия капитали чет элларга тобора кўп миқдорда чиқарилаётганлиги доллар кризиси гоят кескин тус олган бир даврга тўғри келганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Ғарб дунёсидаги асосий валютанинг қиймати тез пасайиб бораётганлиги ундан фойдаланган давлатларнинг иқтисодий тадбирларига катта путур етказди ва уларни бу валютани алмаштирмаган тақдирда ҳам лоақал долларга қўшимча равишда гўё барқарор бўлиб кўринган Ғарбий Германия маркаси ва Япония иенасидан фойдаланишга мажбур этди. Буларнинг ҳаммаси ГФР ва Япония валюталарига бўлган талаб-эҳтиёжни оширди, ана шу икки мамлакатдаги монополиялар учун уларни қизиқтираётган истиқболларни очиб берди. Бу монополиялар ана шу ҳолатдан дарҳол фойдаландилар. Капитал чиқаришни енгиллаштирадиган чоралар ҳам кўрилди.

Валюта экспансияси экономикани ҳалокатли оқибатларга дучор қилиши монополистларни сира ҳам ташвишга солмади, бунинг боиси шуки, бу экспансиядан монополиялар эмас, меҳнаткашлар жафо чекадилар. ДПА агентлигининг таъкидлаб ўтишича, ҳозирги вақтда Бонидаги ҳамма партиялар ГФРда «яқин йиллар ичида гражданлардан ўз эҳтиёжини чеклаш ва қурбон беришни талаб қилишга тўғри келади» деган фикрни якдиллик билан иқрор қилмоқдалар, деб айтиш мумкин.

Шу тариқа империалист давлатларнинг иқтисодий сиёсати натижасида қадр-қиймати гарантияланмаган ортиқча валюталар тўпланиб қолмоқда. Оқибат натижада валютанинг курси пасайиб кетади. Бу эса импортни қимматлаштириб юборади ва ички бозорда нарх-навонинг кўтарилишига сабаб бўлади. ГФРда пулнинг қадрсизланиши суръатлари тезлашиб, бу йил 5,5 процентга етди. Англия ёки АҚШ миқёсида бу катта рақам деб ҳисобланмайди. Лекин қуйидаги тенденция тамомила аёндир. Ғарбий Германия барча империалист давлатлар учун муштарак бўлган тараққиётнинг кризисли йўлига тушиб бормоқда. Ғарбий Германия экономикасидаги «мўъжиза» ҳақидаги сафсаталар барбод бўлмоқда.

**Ю. НЕЧАЕВ.**
**(ТАСС).**

## ПЕКИНДАГИ СУД МАЖЛИСИ

ПЕКИН, 25 декабрь. (ТАСС). Бугунги Пекин газеталари Синьҳуа агентлигининг алоҳида суднинг биринчи палатасида Цзян Цинининг иши юзасидан томонларнинг кеча бошланган мунозаралари тўғрисидаги қисқа хабарини эълон қилди. Агентлик судда прокурор билан Маонинг хотини сўзга чиққанигина хабар қилди.

«Жэньминь жибао» газетасида имзо билан чиққан мақолалардан бирида Цзян Цинга «энг оғир ҳукм» чиқарилсин, деб талаб қилинган.

НЬЮ-ЙОРК, 25 декабрь. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетасининг муҳбири Хитой манбаларига асосланиб Пекиндан хабар қилади: Маонинг хотини судда ўзини ҳимоя қилиб чиқиб, у «маданий революция» вақтида Хитойнинг раҳбар арбобларини таъқиб қилди, деб бўйнига қўйилган айбларни рад этди. Бу иш Мао Цзэдунинг фармойиши билан қилинган эди, менинг ҳаракатларимни эса Мао ҳам, Чжоу Эньлай ҳам маъқуллаган эдилар, деди сўнгра у.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишича, Цзян Цининг бу гапи Хитойнинг ҳозирги раҳбарларини қийин аҳволга солиб қўйди. Шу муносабат билан газета Пекин телевидениесининг бугунги планлаштирилган суд мажлиси тўғрисидаги кўрсатувини бекор қилганига эътиборни жалб этади. Қолган тўқиз судланувчининг ишини кўриб чиқиш бир неча кун муқаддам тамомланганлиги маълум.

Газета Пекиндагилар суд мажлиси качон тамом бўлишини ва ҳукм качон чиқарилишини аниқ айтишдан бош тортаётганликларини ҳам хабар қилади.

## ЭЛ ДАСТУРХОНИГА



Калинин районидаги 1-теплица комбинатига киришингиз биланок баҳор нафаси келади. Хинадай қизарган мушт-дек помидорлар, бодринглар гарқ пишган. Гуллар чаман-чаман очилган. Лимонларни айтмайсизми, тилладек товланиб, маржондек тизилиб турибди. Бир ёқда кашнич, бир ёқда укроп, петрушка, кўк пиёз ва бошқа кўкатлар яшнаб ётибди. Гўё табиатнинг бутун гўзаллиги, сўлимлиги маҳз шу теплицага кўчиб келгандек.

Қалби қайноқ, қўли гул, қишда баҳор яратувчилар ҳар бир секцияда энг камида 1700 тупдан помидор кўчати экиб, уни вақтида авайлаб, ўғитлаб, ҳосил етилгунча парваришни тўхтатмайдилар. Ҳосил эса 75—80 кунда етилади.

# ХИЗМАТИНГИЗДАМИЗ, ШАҲАРЛИКЛАР!

Теплица комбинати 20 гектар майдонни ишғол этган. Унда 198 та секция бор. Ҳар бир секциядан кунига 700—800 килограммдан ҳосил олинади.

— Айниқса, М. Аҳмедов, М. Тўхтаназарова бошлиқ коллективларнинг ишлари таҳсинга лойиқ, — дейди комбинат агрономи А. Сулаймонов. — Улар кўчат парваришига эътиборни кучайтириб, маҳсулдорликни оширмоқдалар.

Комбинатда ҳозир айни пишиқчилик. Ҳар куни тонналаб янги помидор, бодринг узилиб, шаҳарликларга жўнатилмоқда. Янги йил арафасида ҳар куни бир ярим тоннадан знёд помидор, бодринг, 500—600 килограммдан ош кўклари, редиска, лимон ва турли нав анвойи гуллар шаҳарликларга тортиқ қилинади.

Комбинатда шахсий беш йиллик планларини ошириб бажариб ва 1981—1982 йил ҳисобига меҳнат қилаётган сабзавотчилар кўп. С. Хўжамназарова, Б. Худойқулова каби илғорлар эса 45 тонна ўрнига 67 тоннадан ортиқ маҳсулот топширдилар.

Комбинат меҳнат аҳли КПССнинг XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Аҳолига тонна-тонна сабзавот ва ош кўклари етказиб бериш учун барча резервларни ишга солаётирлар.

Р. МУҲСИМОВА.

Суратда: теплица комбинати лимон секциясининг звено бошлиғи М. Абдуллаева пишиб етилган ҳосилни кўздан кечираётир.

А. Тўраев фотолари.

# АХБОРОТ

### ЎЗБЕК РАССОМИ ҲАҚИДА КИТОБ

Москванинг «Советский художник» нашриёти санъатшунос Л. Шостконинг Ўзбекистон халқ рассоми, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Қутлуғ Башаров ижодига бағишланган китобини нашрга тайёрлаётир.

«Пахтакорлар», «Медицина», «Қишлоқ кишилари», «Ватан химоячилари» каби асарлар рассом ижодида алоҳида ўрин тутади.

Китобга ижодкорнинг 80 дан ортиқ асари киритилган. Расмларнинг ярми рангли тарзда берилган. Китобнинг кириш сўзида унинг санъати, ижодий йўли ҳақида ҳикоя қилинади.

С. КОСТИРКО.

### БИНОКОРЛАР СОВҒАСИ

Хўжайли шаҳридаги 12-қурилиш трестига қарашли 9-механизациялаштирилган кўчма колонна коллективи 36 квартирали беш қаватли уй-жой биносини битказиб, фойдаланишга топширди. Бундай кўпқаватли уй-жой биноси Хўжайли шаҳрида биринчи марта қад кўтарди. Бинонинг биринчи қаватида маданий-маиший хизмат хоналари, ўз-ўзига хизмат қиладиган озиқ-овқат, «Универсам» ва саноат моллари магазинлари ишлай бошлади.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

### ЕШЛАР — ЗАРБДОР ҚУРИЛИШГА

Мамлакатимизда энг йирик ҳисобланган Косон ёғ-экстракция заводи муҳим объектлардан биридир. Шунинг учун унинг қурилиш суръатини яна ҳам кучайтириш талаб этилади. Шу мақсадда яқинда область комсомол комитети ташаббуси билан кўнгилли ёшлардан иборат КПСС XXVI съезди номли зарбдор отряд тузилди. Отрядга шаҳар ва районлардан келган 500 нафар комсомол-ёш уюшган.

Зарбдор отряд коллективининг Косон ёғ-экстракция заводига жўнаб кетишига бағишланган митинг қўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари бу улкан корхонани тезда қуриб ишга туширишга ҳақида қарор қабул қилдилар.

М. КАРОМОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

# ҚИЛМИШ—ҚИДИРМИШ

## СУД ЗАЛИДАН

Смоленскда Ватан ҳоинлари Семёнов, Лоҳодинов, Громов, Власовлар устидан очиқ суд мажлиси тугади. Улар Улуғ Ватан уруши йилларида ўз ихтиёрлари билан фашистлар томонига ўтиб, ватанпарварларни қийнашда, партизанларни ва тинч аҳолини отиб ташлашда бевосита иштирок этган эдилар.

Смоленск диёрининг ҳар бир қарич ери — муқаддас. Совет Армияси 1941 йилда бу ерда Москвага ёпирилиб келаётган фашист қисмларини қон кечиб тўхтатиб турди. Бу ерда, Ельня шаҳри яқинида босқинчиларнинг танлаб олинган қисмларига қаҳрамонона ғалабаларимизни бошлаб берган дастлабки зарба урилди.

Халқ қасоскорлари фашист босқинчиларига қарши курашда мунтазам армияга катта мадад бериб тўрдилар. Область территориясида ўнлаб партизан отрядлари, бригадалар, қўшилмалар душманга қарши курашдилар. Замин босқинчилар оёғи остида ёнар эди. Фашистлар партизанлар ҳаракатини бостириш учун махсус қисмлар тузадилар. Ана шу қисмлардан бири Смоленск областида жойлашган эди. Ҳоинлар, жиноятчилар, собиқ қулоқлардан ташкил топган бу отрядга ок эмигрант Бишлер бошчилик қилди. Улар кўп бўлмаса-да, лекин фашистлар билан биргаликда беҳисоб кулфат келтирдилар. Сотқинларнинг қадами етган ҳар жойда ёндирилган қишлоқлар ва азоблаб ўлдирилган одамларнинг жасадлари қолар эди. Босқинчилар ва Ватан ҳоинлари Дорогобуж районида ғойибона қутуриб кетган эдилар. Бу ерда душманнинг орқа томонида партизанлар қишлоқ Советлари, колхозлар ва совхозларни тиклаган эдилар, мактаблар ва касалхоналар ишлаб турар эди.

Немис-фашист қўмондонлиги ана шу «партизанлар республикасини тор-мор қилиш учун армия қисмлари, жандармчилар, полиция ва фашистларнинг гумашталаридан иборат отрядларни юборди. Халқ қасоскорлари кучлар тенг бўлмаган жангга отландилар...

Судда ишни кўриш давомида партизанлар ҳаракатининг яхши маълум бўлмаган сафларини — халқ қасоскорларининг Залазни қишлоғида олиб борган қаҳрамонона жанги тўғрисидаги маълумотлар аниқланди. Бу жанг узоқ давом этган эди. Партизанлар кўплаб гитлерчилар, полициячилар ва бошқа жаллодларнинг жазосини берган, аммо босқинчиларнинг жуда катта кучлари тазйиқи остидагина чекинишга мажбур бўлган эдилар.

Жаллодлар ўз хўжайинларининг амри билан 1943 йил 27 январида қишлоққа бостириб кириб, аҳолини қиргин қилдилар. Улар биринчи куни ҳеч гуноҳсиз 200 кишини, эртаси кун эрталаб яна 300 кишини отиб ташладилар. Бундай қотилликни қилган Бишлернинг шахсий соқчилари орасида Лоҳодинов ҳам бор эди. Қулоқнинг ўғли Лоҳодинов ота-онаси билан сургундан қочиб келган эди. Немис-фашист газандалари мамлакатимизга ҳужум қилган заҳотиёқ у Қизил Армия сафларидан жуфтакни ростлаб қолди ва отаси яна хўжайинлик қила бошлаган қишлоғига қайтиб келди. Бишлернинг шахсий дўстлари Семёнов ҳам (у ҳам қулоқлар оиласидан) шафқатсизликда Лоҳодиновдан қолишмас эди. Гувоҳларнинг айтишича, ундан ҳатто каллакесарлар отрядининг офицерлари ҳам қўрқар эди. У қўл остидаги кишиларни озғина гуноҳи ва кўнгилчанлиги учун ҳам савалар эди. Қотиллар штаби Дорогобуж шаҳрида эди. Штаб яқинида 1- ва 2-камералар деб аталган иккита Ланер бор эди. Биринчи камерадаги маҳбусларнинг биронтаси ҳам омон қолмади. Босқинчилар ва бишлерчилар ҳар куни 10—30 кишидан иборат группаларни танкка қарши қазилган чуқурга олиб бориб отиб ташлар эдилар. Мана шу катлларда Лоҳодинов, Семёнов, Громов ва Власовлар иштирок этишган эди.

Шу ерда, Дорогобужда гитлерчиларнинг жуда кўп қабиҳ жиноятларидан яна бири содир бўлган эди. Инвалидлар уйидаги 70 га яқин бемор ўлдирилган эди. Уларнинг кўпчиликги ҳатто ўрнидан ҳам туролмасди. Фашистлар бишлерчилар ёрдамида танкка қарши қазилган чуқурда жами 2500 ватанпарварни ўлдирган эди.

Қотилларнинг босган ҳар бир қадами қонга беланган. Лоҳодинов Хольмец қишлоғида ўз шериги билан биргаликда коммунист Фёдоровни қўлга туширди, уни осдилар ва кўкрагига «партизанларга ёрдам берган коммунистнинг жазоси шу» деган сўзлар ёзилган тахтачани осиб қўйган эдилар. Шу Лоҳодиновнинг ўзи Кичатов билан биргаликда Могилев областидаги Ходоса темир йўл станцияси яқинида иккита қизни ушлаб олиб, уларни суд-сўроксиз отиб ташлади.

Аммо халқ ғазаби тўлқини кучайиб борар эди. Темир йўл составлари тез-тез портлатилар, қурол-ярог ва ўқ-дори омборларининг кули кўкка совурилар эди. Совет Армиясининг қақшатқич зарбалари остида гитлерчи қўшинлар чекина бошлади. Фашистлар ўзларининг Смоленск, Брянск, Могилев областларидаги газандалар [illegible] ўч [illegible] обм[illegible] [illegible] қишлоқларни ер билан яксон қилдилар. Могилев областида эса 1943 йилнинг кузида Вязье қишлоғи аҳолисининг ўчдан бир қисмини отиб ташлаб, колганларини эса омборларга қамаб, ўт қўйиб юбордилар. Босқинчилар ва уларнинг гумашталари қилган ёвузликлар беҳисоб кўп.

Ҳоинлар Улуғ Ватан уруши тугагач, барча изларни йўқ қилиб, мамлакатнинг турли томонларига, Лоҳодинов Витебск областига, Семёнов Ростов областига, Власов Запорожьега, Громов Калинин областига таркалиб кетишди. Лекин интиқом соати — қилмишлари учун жавоб берадиган пайт келди. Москва ҳарбий округининг ҳарбий трибунали Лоҳодинов, Семёнов, Власов, Громовни Ватан олдидаги ғоят хавфли жиноятлари учун энг олий жазо — ўлим жазосига ҳукм қилди. Суд залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ҳукмни маъқуллаб қутиб олди.

Ю. СИДОРОВ, ТАСС мухбири.

Смоленск.

# СПОРТ

△ ВОЛЕЙБОЛ. Тошкентда эрканлар олий лига команда-лари мамлакат чемпионатининг биринчи тур ўйинларини ўтказишди. Учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилин-ди. «Политехник» — «Автомобилист» — 1:3, «Динамо» — «Москва олий техника билим юрти» — 3:2, ўзининг дастлабки мавсумини муваффақиятли ўтказишга ҳаракат қилаётган тошкентлик динамочилар «Уралэнергомаш» командаси билан учрашувда (3:1) биринчи ғалабага эришдилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

# ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

29 ДЕКАБРЬ — 4 ЯНВАРЬ

## 29 ДЕКАБРЬ ДУШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Маша ва Витянинг янги йил саргузаштлари. Бадиий фильм. 11.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.40 — Ҳужжатли фильм. 13.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Онамларнинг мактаби. 16.25 — Концерт. 16.55 — Фан оламида. 17.40 — Ёшлар адреслари. 18.40 — Ёқутистон қиндалигидан. 19.10 — Мультфильм. 19.30 — Фильм-концерт. 19.45 — КПСС XXVI съезди шарафига. 21.30 — Время. 22.05 — Театр учрашувлари. 23.35 — Дунё воқеалари.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I.

17.50 — Мультфильм. 17.55 — Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида. 18.25 — Совет воин. 19.00 — Тошкент янги йил арафасида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Карвонбошилар. 20.05 — Янги йил мушоираси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ҳурриятнинг Исроилова куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 23.20 — Волейбол бўйича эркаклар командалари ўртасида СССР чемпионати.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Болалар учун фильмлар. 21.00 — Енгиндан эҳтиёт бўлинг. 21.30 — Привалов миллионлари. Бадиий фильм. 1-серия.

## 30 ДЕКАБРЬ СЕШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Электроникانинг саргузаштлари. Бадиий фильм. 1-серия. 11.20 — Ҳайвонот оламида. 12.20 — Концерт. 12.50 — Адабий ўқиш. 13.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Фильм-спектакль. 17.25 — Чанғи спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. 17.55 — Иттифоқдош республикалар санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 19.45 — Кинолавҳа. 19.55 — Мимино. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Эстрада программаси. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I.

11.30 — Қизиқарли учрашувлар. 12.00 — Маринка, Янка ва қирол қалъасининг сирлари. Бадиий фильм. 13.25 — Актёрлар ва роллар. 17.50 — Мультфильм. 18.00 — Сўз кетидан сўз келар. 18.30 — Фильм-концерт. 18.45 — Врач маслаҳатлари. 18.55 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олайлик. 19.15 — Ноз-неъмат бунёдкори. 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Наштар» ҳажвий киножурнали меҳмонимиз. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Телевизион театр.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Болалар учун фильм. 21.05 — Жанговар постда. 21.35 — Привалов миллионлари. Бадиий фильм. 2-серия.

## 31 ДЕКАБРЬ ЧОРШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Электроникانинг саргузаштлари. Бадиий фильм. 2- ва 3-сериялар. 12.15 — Ҳужжатли фильмлар. 12.55 — Спектакль. 14.45 — Бил ва уддала. 15.30 — Янгиликлар. 15.45 — Музикали эртак. 16.15 — Мўъжиза кутиб. Бадиий фильм. 17.25 — Буратино кўргазмаси. 17.55 — Халқ оҳанглари. 18.10 — КПСС XXVI съезди шарафига. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 20.00 — Жаҳон халқлари ижоди. 20.45 — Қисқа метражли фильмлар. 21.30 — Время. 22.05 — Муздаги бал. 23.15 — Цирк майдонида. 00.15 — Совет қўшиқларидан концерт. 00.40 — Ҳужжатли фильм. 00.50 — Янги йил билан, ўртоқлар. 01.05 — Голубой огонёк.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I.

11.30 — Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 12.30 — Она. Фильм. Эртак. 13.55 — Совет киноси усталари. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Янги йилни кутамиз. 19.05 — Ахборот. 19.20 — Фильм-концерт. 19.30 — Миниатюралар театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Цирк, цирк, цирк. 21.30 — Время. 22.05 — Янги йил оқшомида. 23.45 — Янги йил табриги. 00.05 — Музикали байрам программаси.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Арча ўрмонда қолди. Фильм. 20.35 — Фильм-концерт. 21.35 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — Бахт кулиб боққанда. Кинокомедия.

## 1 ЯНВАРЬ ПАЙШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.45 — Болалик. 10.05 — Мультфильм. 10.35 — СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 11.20 — Эртак ҳузурида меҳмонда. Бадиий фильм. 13.00 — Қувноқ [illegible] 13.50 — Куба революция[illegible] 22 йил[illegible] бағишланган программа 15.20 — [illegible]лишдан сўнг нима бор? Бадиий фильм. 1-серия. 16.35 — Илмий-оммабоп фильм. 16.45 — Мультфильмлар. 17.30 — Концерт. 17.50 — Қиш лавҳалари. 18.20 — П. Чайковский. Торди оркестр учун серенада. 18.55 — Совет Иттифоқи — чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 19.15 — Останкино концерт студиясида 1980 йил қўшиқлари кечаси. 21.30 — Время. 22.05 — Ғариб гусар ҳақида бир нарса денг. Бадиий фильм

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I.

[illegible] — Гулия Исмайлова раққоса тушади. 10.35 — Куба революциясининг 22 йиллигига. 10.55 — Спектакль. 12.50 — Қиш эртаги. 13.30 — Аёз бобо. Бадиий фильм. 14.50 — Концерт. 15.40 — Бизни тандайдиган роллар. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Байрамимиз кўркисан, гўзал арчажон. 19.10 — Музикали детектив. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Концерт. 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Тўйлар муборак. Бадиий фильм. 23.10 — Денгиз бўйидаги музей

II.

20.05 — Спектакль. 21.20 — Фильм-концерт. 21.45 — Музикали фильм.

## 2 ЯНВАРЬ ЖУМА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — АБВГДейка. 10.35 — Мультфильм. 11.05 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.35 — Табассум. 12.20 — Фронтдош дўстлар клуби. 13.45 — Ҳужжатли фильм. 14.00 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Муюлишдан сўнг нима бор? Бадиий фильм. 2-серия. 16.20 — Балли, қизлар. 17.50 — Музикали фильм. 19.15 — Кўҳна янги йил. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-концерт. 22.55 — Ноган Штраус куйлари. 23.40 — Янгиликлар.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I.

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Миниатюралар театри. 11.10 — Концерт. 12.10 — Спектакль. 13.35 — Министр бўлишни истайман. Бадиий фильм. 15.05 — Ёшлик. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Янги йил арчаси атрофида. 19.00 — Ахборот. 19.15 — Кинокўрсатув. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Қўшиқ айтган етар муродга. 21.30 — Время. 22.05 — Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради. Кинокомедия.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Болалар учун фильмлар. 21.00 — Ҳаммасига Залина айёдор. Бадиий фильм.

## 3 ЯНВАРЬ ШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Зарядка сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 — Здоровье. 12.15 — Тонгги почта. 12.45 — Спортлото. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Ёшлар ўртасида хоккей бўйича жаҳон чемпионати. 16.15 — Ҳужжатли фильмлар. 16.50 — Қўғирчоқ фильм. 18.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 19.00 — Мультфильм. 19.35 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 20.05 — Концерт. 20.25 — Адам Евага уйланади. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Адам Евага уйланади. Бадиий фильм. 2-серия. 23.10 — Балет артистларининг концерти. 23.50 — Янгиликлар.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 10.50 — Энергетиклар кунига бағишланган кўрсатув. 12.15 — Қувноқ стартлар. 13.15 — Спектакль. 14.15 — Шахмат мактаби. 18.20 — Мўъжизалар куни. 18.45 — Бойчечак. 19.15 — Айиқларни санашга борамиз. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Чет эл эстрадаси концерти. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Келдию кетди. Бадиий фильм.

**ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

18.00 — Душанба кўрсатувлари.

## 4 ЯНВАРЬ ЯКШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.35 — Травканинг саргузаштлари. 11.45 — Ёшлар ҳақида қўшиқлар. 12.20 — Ҳужжатли фильм. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.50 — Концерт. 16.20 — Телестадион. 16.50 — Мультфильм. 17.35 — Москваликлар партия съездига. 18.05 — Мактаб ўқувчилари учун адабий викторина. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.35 — Советлар ва ҳаёт. 20.05 — Муҳаббат ҳақида қиссалар. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Совет қўшиқчилари Миланнинг Ла Скала театри саҳнасида.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

11.30 — Мультфильм. 11.50 — Ҳайратга солувчи Берендеев. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.40 — Қувноқлар даврасида. 19.10 — КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Шеърият мухлисларига. 20.00 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.25 — Қиз ўғирлаш. Бадиий фильм.

**ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

19.20 — Фрунзе кўрсатувлари.


Реклама ва эълонлар

## Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/XII да Нодирабегим (12.00), Абу Райҳон Беруний (19.30).

## Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Наталья РУБАНОВА раҳбарлигидаги «Иллюзион калейдоскоп» аттракционининг гастроллари (13, 16, 19.30).

●

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ мактаб ўқувчиларининг қишки каникул кунларида ҳар куни (дам олиш кунисиз) соат 10.30 дан 18.00 гача

ИШЛАЙДИ

5.10 синф ўқувчиларидан тузилган группаларга экскурсия хизматини кўрсатиш учун мактаб раҳбарларидан

ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Музейда санъат бўйича фильмлар намойиш қилинади. 32.73.45 телефон номери бўйича справкалар олиш мумкин.

●

Касаба союз ташкилотлари, болалар муассасалари, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, муассасалар ва корхоналарнинг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА! ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ «ЦИРКДА АРЧА» ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИГА КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН

ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача очиқ.

44.35.84, 44.35.91 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

●

ТОШКЕНТ СУДЭКСПЕРТИЗАСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ суд-автотехника экспертизаси лабораториясининг кичик илмий ходими (автомобилчи-инженер)

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — 13 ЯНВАРГАЧА

Мурожаат учун адрес: 700115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 29-уй. Телефон: 77-23-55.

●

Ўрмон хўжалигининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини ошириш Бутуниттифоқ институтининг ТОШКЕНТ ФАКУЛЬТЕТИ иқтисод, ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришини планлаштириш ва ташкил этиш бўйича каттта ўқитувчи

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Тошкент район, Дархон посёлкаси, «СредазНИИЛХ» институти (ВИПКЛХ)нинг Тошкент факультети). Телефон: 24-62-80.


Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги коллегияси, партия ва маҳаллий комитетлари колхоз ишларини ташкил этиш бўйича бошқарма бошлиғи М. С. Расулова отаси

Собир РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси ва СССР Адабиёт фонди Ўзбекистон бўлими Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Н. Нарзуллаевга отаси

Нарзулла ХОЛМИРЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти коллективи институтнинг бўлим мудири, филология фанлари доктори, профессор Ҳ. Екубовга акаси

Ғофуржон ЕҚУБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг редакцияси коллективи редакция ходими Е. Холмуҳамедовага ўғли

АБДУКОМИЛнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ТЕЛЕВИДЕНИЕ

## БУГУН

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Моҳир қўллар. 10.35 — Код номи Жанубий момақалдироқ. Бадиий фильм. 2-серия. 11.40 — Ота-оналар, Сизлар учун. 12.15 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 12.55 — Сизни қизиқтирган китоблар. 13.40 — Спортлото. 13.55 — Тележурнал. 14.30 — Эрмитаж. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Инсон. Ер. Коинот. 16.00 — Совет музикасининг танланган саҳифалари. 16.40 — Ҳайвонот оламида. 17.40 — Мультфильм. 17.35 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летуновнинг сўзи. 18.25 — Концерт. 19.10 — 9-студия. 20.10 — Дульсинея Тобосская. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Дульсинея Тобосская. Бадиий фильм. 2-серия. 23.20 — Драматик актёрлар куйлайди. 23.50 — Янгиликлар.

**УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Сўз кетидан сўз келар. 10.30 — Концерт. 11.15 — Ўзбекистон спорти. 11.45 — Оловли йўллар. Бадиий фильм. 8-серия. 13.00 — Онамларнинг мактаби. 13.30 — Қишлоқ ҳаётидан. Спектакль. 17.00 — Дўстлик экрани. 18.00 — Мультфильмлар. 18.30 — До-ре-ми-фа-соль. 19.00 — Инсон болаликдан бошланади. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қизлар гулдастаси. 21.30 — Время. 22.05 — Қўшиқ айтган етар муродга.

**ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

18.00 — Душанба кўрсатувлари.

# РАДИО

## БУГУН

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА.** 8.30 — К. Жабборов ва С. Калонов қўшиқлари. 9.35 — Ёшлик. 10.15 — Гулшан. 11.30 — Интизор дил. 13.00 — Республика бурғоқчиларн базаларида. 13.30 — Социалистик мусобақа голиблари учун концерт. 14.00 — КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига дойиҳаси сатрларида. 16.10 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 17.00 — Ёшлик. 18.15 — Сиёсий билимлар радиоуниверситети. 18.30 — Ижодиёт оламида. 19.25 — Ака-ука Исроил ва Исмоил Ваҳобовлар куйлайди. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Ўзбек Давлат филармонияси солистларининг концерти. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — Музикали салом. 23.15 — Дам олиш концерти.


СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-76-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 63-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУҲБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси — 33-90-50

Р. 03451. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 295. 5